



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 6 июнь, № 115 (9286)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЧУҚУР ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4-5 июнь кунлари амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 5 июнь кун Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумининг ялпи йиғилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Танзания Президенти

Самия Сулуху Хасан ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси ўринбосари Хан Чжэн ҳам тадбирнинг асосий спикерлари сифатида сўзга чиқди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида тадбир иштирокчиларини самимий кутлаб, Ўзбекистон билан тарих, маъна-

вий яқинлик ва инсоний тақдирлар орқали боғланган Санкт-Петербург шаҳрига яна бир бор ташриф буюриш имконияти учун миннатдорлик билдирди.

Транспорт йўналишларининг ўзгариши, янги ишлаб чиқариш заводаларининг шаклланиши, замонавий технологик плат-

формаларнинг пайдо бўлиши ва сунъий интеллектнинг кенг жорий этилиши билан дунёда кечаётган чуқур трансформация жараёнларига баҳо берилди.

— Рақобат нафақат бозорлар ва табиий ресурслар учун курашда намоён бўлмоқда, балки технологиялар, ло-

гистика ва инфратузилма соҳаларида ҳам унинг таъсири сезилмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимиз етакчилиги таъкидлаганидек, бугунги шароитда бирлаштирувчи роль ўйнайдиган ва ўз атрофида кооперация, барқарорлик ҳамда

ўзаро манфаатдорлик маконини шакллантиришга қодир бўлган давлатлар ва минтақаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли Владимир Владимирович! Хурматли давлат ва ҳукumat раҳбарлари! Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, Россия Федерацияси Президенти, ҳурматли Владимир Владимирович Путинга мазкур форумга таклиф этгани ва самимий меҳмондўстлик учун чин дилдан миннатдорлик билдирдим.

Шунингдек, Танзания Президенти Самия Сулуху Хасан хоними, Хитой Халқ Республикаси Раиси ўринбосари Хан Чжэн жанобларини кутлайман.

Ўзининг ўттиз йиллик фаолияти давомида жаҳон миқёсидаги энг муҳим масалалар юзасидан фикр алмашиш бўйича нуфузли ва зарур мулоқот майдонларидан бирига айланган Петербург халқаро иқтисодий форумида иштирок этиш мен учун катта шарафдир.

Ўзбекистон билан тарих, маънавий яқинлик ва инсоний тақдирлар орқали боғланган Россиянинг маданий пойтахти — Санкт-Петербург шаҳрида бугун яна бир бор бўлиб турганимдан гоят хурсандман.

Урушнинг оғир йилларида кўплаб ўзбекистонликлар Ленинград муҳофазасида қатнашган, Тошкент эса бир ярим миллион нафардан ортиқ эвакуация қилинган болалар, аёллар ва кексаларга бошпана берган эди. Бу ҳақдаги хотира умумий маънавий маконимизнинг бир қисми бўлиб қолмоқда.

Хурматли форум иштирокчилари! Бугун айнан шу ерда, Нева бўйида биз ўтмишни ёд этиб, келажак ва глобал иқтисодийнинг янги архитектурасига оид масалаларни муҳокама қилмоқдамиз.

Дунё чуқур қайта қуриш жараёнларини бошидан кечирмоқда. Транспорт йўналишлари

ўзгармоқда, янги ишлаб чиқариш занжирлари шаклланимоқда. Замонавий технологик платформалар пайдо бўлиб, барча соҳаларда сунъий интеллект жорий этилмоқда. Энергетик, озиқ-овқат ва рақамли хавфсизлик масалари тубдан қайта қўриб чиқилмоқда. Рақобат нафақат бозорлар ва табиий ресурслар учун курашда намоён бўлмоқда, балки технологиялар, логистика ва инфратузилма соҳаларида ҳам унинг таъсири сезилмоқда.

Жаҳон иқтисодий ҳаётда беқарорлик ҳужм сураётган шароитда бирлаштирувчи роль ўйнайдиган ва ўз атрофида кооперация, барқарорлик ҳамда ўзаро манфаатдорлик маконини шакллантиришга қодир бўлган давлатлар ва минтақаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ўзбекистон минг йиллар давомида Буюк Ипак йўлининг юраги бўлиб келган. Самарқанд, Бухоро ва Тошкент орқали нафақат маҳсулотлар ташилган, балки гоё ва биллимли, маданий ва диний анъаналар бир-бирини ўзаро бойитиб келган. Шунинг учун ҳам очкилик биз учун доимо танлов эмас, балки ҳаётий зарурат ва цивилизация коди ҳисобланган. Ҳозирги кунда у янги маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё мустақил иқтисодий ўсиш марказига айланмоқда. Бу минтақада келажақнинг транспорт, технология ва демография соҳаларидаги қиёфаси намоён бўлмоқда. Ушбу маконда Шимол ва Жануб, Фарб ва Шарқ ўртасидаги асосий коммуникациялар чорраҳаси шаклланимоқда.

Кучайиб бораётган айна тенденцияни янада мустаҳкамлаш учун бизга сифат жиҳатдан янги даражадаги боғлиқлик ниҳоятда зарур. Бу ўринда нафақат аънавий транспорт-ло-

гистика ва энергетика йўналишларини бирлаштириш, балки рақамли, тўлов ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини интеграция қилиш ҳақида ҳам сўз бормоқда. Кучли, бирлашган, иқтисодий жиҳатдан боғланган, очик ва барқарор Марказий Осиё барча шерикларимизнинг стратегик манфаатларига жавоб беради.

Хонимлар ва жаноблар! Ўзбекистон учун Россия минтақадаги шунчаки кўшни эмас. Бу давлат бизнинг вақт синновидан ўтган стратегик шеригимиз ва иттифоқчимиздир.

Бугунги кунда ўзаро муносабатларимиз янги даврга қадам қўйди. Ҳамкорлик кўп даражали ва кўп қиррали тус олди.

Биз маҳсулотларнинг оддий савдо-сотиғидан мураккаб саноат занжирлари, технологик альянслар, биргаликда лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қадам бўлган йўлни босиб ўтдик. Бизнинг статистик маълумотларимизга кўра, сўнгги 10 йилда ўзаро маҳсулот айланмаси уч барбардан кўпроқ — 4 миллиард доллардан 13 миллиард долларга ошди. Россия билан ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг умумий портфели 50 миллиард доллардан ортади.

Икки давлат худудлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил кенгаймоқда. Бу жараён бизнинг асосий ҳамкорларимиз — Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Москва ва Ленинград вилоятлари, Татаристон ва Бошқирдистон, Красноярск ва Перм ўлкалари, шунингдек, Россиянинг бошқа кўплаб худудлари фаол жалб қилинган.

Амалга оширилаётган худудларaro лойиҳалар ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этади, яна 5 миллиард долларлик инвестициялар

пакети тайёрланмоқда. Ўзаро ҳамкорлик барча муҳим соҳаларни, жумладан, энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларни қамраб олмақда. Лойиҳалар қаторида Ўзбекистоннинг бешта худудидидаги қўшма саноат парклари ва Тошкентда ташкил этилган қўшма вагонсозлик кластери алоҳида эътиборга лойиқдир.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Инвестиция лойиҳалари, жумладан, Россия иштирокидаги лойиҳалар ҳисобидан биз электр энергияси ишлаб чиқаришни бир ярим баробар — 58 миллиард киловатт-соатдан 87 миллиард киловатт-соатга оширдик. 2030 йилгача генерацияни 120 миллиард киловатт-соатгача кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Унинг 54 фоизини қайта тикланадиган энергия манбалари ташкил этади.

Бизнинг энергетика соҳасидаги қувватларимиз, шунингдек, Ўзбекистонда Россия иштирокида биринчи гибрид атом электр станциясининг ишга туширилиши ҳисобидан ҳам ортади. Кеча биз Владимир Владимирович билан АЭС қурилишининг биринчи пойдеворини қўйиш маросимида қатнашдик. Биз учун бу узоқ муддатли ривожланиш, янги муҳандислик мактабини тайёрлаш ва илгор технологияларни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳадир.

Атомдан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича бошқа соҳалар — тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат ва илм-фанда ҳам ҳамкорликда иш олиб бориш ниятидамыз.

Азиз дўстлар! Ҳозирги шароитда Ўзбекистон ва Россиянинг технологиялар ҳамда саноат соҳасидаги

ҳамкорлиги фақат икки томонлама алоқалар доирасида чеклиб қолмаслиги керак.

Биз саноат бўйича салоҳиятни, ресурслар, бозорлар ва компетенцияларни бирлаштиришга қодир бўлган улкан кооперация маконини яратишни мўлжал қилаямиз. Айнан шунинг учун биз “Евроосиё технологик саноатлаштириш камари”ни шакллантириш ташаббуси билан чиқмоқдамиз. Бу саноат кооперациясининг ағона рақамли платформаси билан бирлаштирилган ишлаб чиқариш ва технологик кластерларнинг ўзаро боғлиқ тизими. Бу ўринда технологияларни ишлаб чиқиш ва кадрлар тайёрлашдан тортиб саноат ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш ва ташқи бозорларга чиқишгача бўлган тўлиқ цикли занжирларни яратиш ҳақида сўз бормоқда.

Ушбу ташаббусни синовдан ўтган, ҳар йили Тошкентда ўтказиладиган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” инновацион-саноат кўргазмаси платформаси базасида амалга оширишни таклиф этамиз. Бундай ёндашув бизнес учун ҳамкорларни тўғридан-тўғри топиш ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш имконини беради.

Хонимлар ва жаноблар! Ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши, ҳеч шубҳасиз, иқтисодийнинг янги мулоқот воситаси, таъбир жоиз бўлса, тилига айланган рақамлаштиришдир.

Агар илгари инфратузилма деганда йўллар, кувурлар ва электр узатиш тармоқлари тушунилган бўлса, бугунги кунда бу, аввало, рақамли платформалар демакдир. Улар ўз атрофида яхлит экотизимни — иш ўринлари, логистика, тўлов хизматлари, янги экспорт имкониятларини шакллантирмоқда.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Илҳам Туа бин Иллияс билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги дўстона муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда икки давлат раҳбарлари ўртасидаги фаол ва ишончли сиёсий мулоқот ҳамкорлиқни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиққаниги алоҳида таъкидланди.

Инвестициялар, худудларaro ҳамкорлик, таълим, илм-фан, инновациялар ва мада-

ний-гуманитар алмашинув соҳаларидаги алоқаларнинг ижобий суръатлари эътироф этилди.

Парламентларaro алоқаларни ривожлантириш масалалари ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакат парламентларида ташкил этилган парламентларaro ҳамкорлик бўйича гуруҳлар фаолиятини кенгайтириш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ва парламент дипломатиясини янада фаоллаштириш муҳимлиги айтилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — КЕЧАГИ ЎЗБЕКИСТОН ЭМАС, БУГУНГИ ХАЛҚИМИЗ ҲАМ КЕЧАГИ ЭМАС!

Таниқли сиёсатшунос Кудратилла Рафиқовнинг “Халқ сўзи” газетасининг 21 май сонида эълон қилинган “Миллат шавкати” сарлавҳали мақоласи кенг жамоатчилик эътиборидан четда қолмади ва интернетда турлича муносабатлар изма-из чиқиб турибди. Бу бежиз эмас. Чунки

Акс садо

Давлат герби: тарихи, бугуни ва келажаги

Эътиборли жиҳат шундаки, муаллиф мактов айтса ҳам, танқид қилса ҳам, барибир жони куйга-

нидан айтади ва албатта, қалбини ўртаган ҳолатларни гапирди. Шунинг учун қайсидир воқеликни

номақбул деб билса, айна ўша ҳолатни тузатиш учун муайян амалий ечим таклиф этишга ҳам интилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПЕТЕРБУРГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон бизнеси рақамли ечимларни фаол ривожлантиришда ва айни пайтда кенг доирадаги мамлакатлар билан технологик ҳамкорлик учун очкирди. Масалан, Россия маркетинг компаниялари ва рақамли сервислари орқали махсулотларимиз савдоси ҳамми сўнгги бир неча йилда 3,5 баробар ўсиб, бир ярим миллиард доллардан ошди.

Хамкорликни чуқурлаштириш мақсадида **қўшма Рақамли экотизимни** шакллантиришга кириштириш таклифи эълон қилинди. Илк босқичда у рақамли савдо ва шаҳар сервисларини тартибга солиш қоидаларини яқинлаштириш, Ўзбекистон ва Россия брендларини ҳамкорликдаги платформаларда илгари суриш, бандлик бўйича ягона рақамли профилни яратиш, сунъий интеллект асосида махсулотларни ривожлантиришни ўзда қамраб олиш имконияти. Бу бизнес учун янги бозорлар, фуқаролар учун эса даромад топишда қўшимча имкониятлар яратилади.

Айни пайтда рақамлаштиришни кенг қўллашга интилар эканмиз, ҳар қандай ўзгаришлар негизда доимо инсон турширини ёдда тутиш муҳимдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг энг ёш мамлакатларидан бири бўлиб, аҳолисининг яримдан кўپини ёшлар ташкил этади. Бу шунчаки оддий статистика эмас. Бу — ривожланиш учун қувват, энергия манбаи. Бу — янги талаб. Бу — бизнинг келажагимиз.

Шу боис бизнинг вазирамиз фақат ёшларга замонавий билим беришдан иборат эмас. Ёшлар илгор компетенцияларни ўлаштириши ва ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун имкон берадиган шароитларни яратиш муҳимдир. Бу ўринда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда хорижий олийгоҳларнинг 32 та, жумладан, Россия олий таълим муассасаларининг 15 та филиали фаолият юритмоқда. Бу Россиянинг хориждаги энг йирик университетлар тармоғи ҳисобланади.

Шу билан бирга, касбий таълим, айниқса, амалиётга йўналтирилган кадрлар тайёрлаш дастурларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Бизда бу борада аллақачон муваффақиятли мисоллар бор. Олмалиқ ва Тошкентда биринчи қўшма муҳандислик мактаблари ишга туширилди.

Онлайн таълим сервислари мазкур соҳадаги самарали ҳамкорлик механизми бўлиши мумкин. Бундай сервисларнинг ишга туширилиши ёшларга ҳатто энг чека худудларда ҳам зарур билимларни олиш имконини беради. Бу меҳнат мобиллиги моделини тубдан ўзгартиради ва уни ташкил этишни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқади.

Шу муносабат билан биз **Инсон капиталини ривожлантириш қўшма олайн-платформасини** яратишни таклиф этамиз. Унинг вазифаси — таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозорини ўзаро боғлашдан иборат.

Ушбу тизимда таълим дастурлари, тил ўргатиш ва ахборот технологиялари курслари, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва иш бевуричлар билан боғлаш имкониятлари бирлаштирилиши мумкин.

Ёшлар учун бу янги иқтисодий сари аниқ-равшан йўналиш бўлади. Бизнес учун тайёр кадрлар базасидан фойдаланиш имкониятидир. Университетлар ва коллежлар учун бозорнинг реал талаби билан алоқа воситасидир. Ўзбекистон ва Россия учун эса энг олий кадрлар бўлган инсонларга узоқ муддатли сармоядир.

Агар хурматли Владимир Владимирович ушбу ташаббусни қўллаб-қувватласа, соҳавий идораларимизга бундай платформани имкон қадар тезроқ ишга тушириш вазифасини топшираемиз.

Хамкорлигимизнинг гуманитар асоси сифатида туризмни алоҳида кўрсатиб ўтишни истар эдим. Ушбу тармоқ ишонч иқтисодийликни ҳаммадан кўра яхшироқ шакллантиради.

Одамлар Ўзбекистонга келар экан, нафақат тарихий ёдгорлик ва шаҳарларни, балки маданиятни, меҳмондўстлик, ишбилармонлик муҳити ва бизнес учун имкониятларни ҳам кўради. 2025 йилда бизнинг мамлакатимизда қарийб бир миллион россиялик меҳмон бўлди, бу йил эса биз янада кўпроқ сайёҳни қабул қилишга тайёрмиз. Бунинг учун нафақат туристик инфратузилма, балки креатив иқтисодийликни ҳам ривожлантиришимиз. 2030 йилга бориб ушун янги ички махсулотдаги улуши 5 фоизни ташкил этади. Бу эса ушбу ижодий соҳани иқтисодий ўсишнинг драйверларидан бирига айналтиради.

Хамкорлигимизнинг маданий-гуманитар йўналишини мустаҳкамлаш мақсадида **“Самарқанддан Петербурггача” креатив-туристик йўлга лойиҳасини** ишга туширишни таклиф этамиз. Ушбу ташаббус санъат ва кино фестиваллари, музей кўргазмалари, гастрономия ҳафталиклари ва мусикий тадбирларни биргаликда ташкил этишни назарда тутади.

Кеча Мариинский театри ва “Эрмитаж” давлат музейида Ўзбекистон маданияти ва санъатида доир лойиҳалар бошланди. Хурматли форум иштирокчилари! 2026 йил мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Биз тизимли ислохотларнинг муҳим маррасига яқинлашмоқдамиз. Бундан ўн йил олдин очкирди, инклюзивлик ва прагматизмга таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни барпо этишни бошлаган эдик. Утган даврда узоқ муддатли ўсиш учун мустаҳкам асос — кулай ишбилармонлик муҳити, барқарор саноат базаси ва янги инфратузилма яратилди.

Иқтисодиётимиз ҳамми 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларга ошди, жорий йил эса 8 фоиздан юқори ўсишни прогноз қилмоқдамиз. Ислохотлар бошланганидан бунён мамлакатимизга 150 миллиард доллардан ортқ хорижий инвестициялар жалб қилинди, минглаб

замонавий корхоналар ишга туширилди. Товар ва хизматлар экспорт қарийб 3 баробар ошди.

Ўзбекистон ҳатто ҳозирги глобал бекарорлик шароитида ҳам барқарор ўсиш динамикасини намойиш этмоқда. Иқтисодиётимиз янада кўп қиррали бўлиб бормоқда, ички бозор кенгаймоқда, замонавий технологиялар, инфратузилма ва сифатли иш ўринларига талаб ортмоқда.

Ёш, фаол ва тез ўсиб бораётган аҳоли Ўзбекистоннинг муҳим устунликларидан биридир. Бу тадбиркорлик, технологиялар, сервислар ва саноатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли базасидир.

Аммо демографик ўсиш ўз-ўзидан муваффақиятни кафолатламайди. Бу салоҳиятни кучли интеллектуал ресурс — компетенцияларга, унумдорликка, юқори қўшимча қийматли махсулотлар ва технологиялар яратиш қобилиятига айлантиришимиз керак.

Биз ислохотларимизнинг илк давриданқ бозор самардорлиги ва ижтимоий масулиятни уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб келямиз. Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш моделининг ўзига хослиги айнан шу жиҳат билан белгиланади. Ўсиш нафақат тез суръатларда, балки барқарор, инклюзив ва одамларнинг ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Фақат сўнгги 5 йилда аҳолининг умий даромадлари 2,5 баробар ошди. Биз учун асосий мезон бу юқори ҳаёт сифати, инсон қадр-қиммати ва ҳар бир одамнинг салоҳиятини рўйбга чиқаришидир.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси айнан шу мақсадга эришишга хизмат қилади. Ушбу даврга қадар биз аҳоли даромадларини ўртачадан юқори даражага кўтариш, барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, иқтисодиёт ҳажмининг яна бир ярим баробар — 240 миллиард доллардан кўпроққа ошириш ниятидамыз.

Хурматли форум иштирокчилари! Ўзбекистонда глобал инвестициялар учун барча шарт-шароитлар изчил шакллантирилмоқда. Кулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда, бозор институтлари тақомиллаштирилмоқда, рақобат даражаси ва ишлаб чиқариш салоҳияти ортмоқда.

Ушбу форумда иштирок этётган инвесторларни юқори қўшимча қийматли янги саноат занжирларини яратишга таклиф этамиз.

Компетенцияларни, ишлаб чиқариш ва ишланмаларни чуқур маҳаллийлаштириш, шунингдек, замонавий инжиниринг ва янги экспорт йўналишларини ривожлантириш бизнинг устувор вазифамиздир. Бу бугунги кунда саноат усулида қайта ишлаш, агротехнологиялар, биокимё, робототехника, рақамли ечимлар ва сунъий интеллект каби янги иқтисодий шаклланаётган соҳаларда айниқса муҳимдир.

Энергетика, авиация, таълим, геология ва бошқа кўлаб соҳаларда давлат-

хусусий шериклик тамойили шаклида амалга оширилаётган лойиҳаларда биз ҳамкорлик учун катта салоҳиятни кўрмоқдамиз.

Манфаатдор шерикларимизга нафақат ўсиб бораётган ички бозоримиз, балки қўшимча мамлакатлар ва минтакаларга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятини ҳам таклиф этамиз.

Азиз дўстлар! Ўзбекистон глобал ишбилармонлар ҳамжамияти учун ишончли ва барқарор мамлакатдир. Иқтисодиётимизнинг юқори даражада очкирлик сари ҳаракат қилаётгани етакчи рейтинг агентликлари томонидан ҳолис тасдиқланмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида мамлакатимиз Иқтисодий эркинлик индексида яна 14 поғона юқори кўтарилди.

Сўнгги йилларда биз халқаро бозорларга 16 миллиард долларлик суверен ва корпоратив ўлжасини юлваштирдик. Утган ойда Лондон фонд биржасида энг йирик давлат компанияларининг активларини бирлаштирган Ўзбекистон Миллий инвестиция фондининг акциялари биринчи мартаба оммавий савдога чиқарилди.

Капитал бозорини янада ривожлантириш, барқарор молиявий ва инвестициявий платформани шакллантириш мақсадида энг яхши стандартлар асосида ишлайдиган **Тошкент халқаро молия марказини** ташкил этишга киришдик. Марказнинг махсус ҳуқуқий мақомага ва солиқ имтиёзларига эга экани инвесторларга бизнес юритиш учун қулай восита ва ишончли кафолатларни тақдим этади.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни 16 — 18 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Тошкент халқаро инвестиция форумига таклиф этаман. Ушбу анжуман доирасида Янги Ўзбекистоннинг янги имкониятлари ва истиқболлари билан бевосита танишиш мумкин бўлади.

Хонимлар ва жаноблар! Албатта, бугунги форумнинг “Прагматик мулоқот — барқарор келажақ сари йўл” деган шиори рамзий маънога эга. Чиндан ҳам айнан очик ва ўзаро хурматга асосланган мулоқот ҳозирги кунда барқарор ривожланишнинг асосий шартига айланмоқда. Ишонч, ҳамкорликка тайёрлик ва биргаликда ечим излашга интилиш бор жойда янги имкониятлар пайдо бўлади. Ўзбекистон ва Россия шериклиги бундай ҳамкорликнинг ёрқин намунаси.

Россия Федерацияси Президенти, хурматли Владимир Владимирович Путинга ушбу кенг кўламли халқаро форумга таклиф этгани ҳамда Янги Ўзбекистон тараққийоти устувор йўналишларини тақдим этиш имкониятини яратгани учун яна бир бор сизимий миннатдорлик билдираман.

Сўзимнинг якунида барча иштирокчиларга самарали фаолият юритишлари ва қизиқарли фикр алмашишларини тилаймман.

ЧУҚУР ТРАНСФОРМАЦИЈА ЖАРАЁНЛАРИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистоннинг йиллар давомида Буёқ Ипак йўлининг юраги бўлиб келган. Самаканд, Бухоро ва Тошкент орқали нафақат махсулотлар ташилган, балки ғоя ва билимлар, маданий ва диний анъаналар бир-бирини ўзаро бойитиб келган. Шунинг учун ҳам очкирлик биз учун доимо танлов эмас, балки ҳаётини зарурат ва цивилизация коди ҳисобланган, — деди Ўзбекистон Президенти.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг асосий йўналишларини таҳлил қилиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, худудлараро алоқалар, саноат кооперацияси ҳамда энергетика соҳасидаги шериклик сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон ва Россиянинг технологик ҳамда саноат кооперациясини янада кенгайтириш мақсадида ягона рақамли платформа билан бирлаштирилган ишлаб чиқариш кластерлари тизими — “Евроосиё технологик саноатлаштириш камари” ни ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Иш ўринлари яратишга, логистика, тўлов хизматлари ҳамда янги экспорт имкониятларининг ривожланишига хизмат қилувчи рақамлаштириш соҳаси ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши сифатида белгиланди.

Рақамли савдо ва шаҳар сервисларини тартибга солиш қоидаларини яқинлаштириш, Ўзбекистон ва Россия брендларини ҳамкорликдаги платформаларда илгари суриш, сунъий интеллект асосида махсулотларни ривожлантиришни ўзда қамраб олган қўшма Рақамли экотизимни шакллантиришга киришиш таклиф этилди.

Ўзбекистон дунёнинг ёшлари энг кўп мамлакатларидан бири эканини ҳисобга олиб, вазирамиз таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозорини ўзаро боғлашдан иборат бўлган Инсон капиталини ривожлантириш қўшма олайн-платформасини яратиш ташаббуси илгари сурилди.

Хамкорлигимиз маданий-гуманитар йўналишини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Самарқанддан Петербурггача” креатив-туристик йўлга лойиҳасини ишга тушириш ҳам таклиф

этилди. Ушбу ташаббус санъат ва кино фестиваллари, музей кўргазмалари, гастрономия ҳафталиклари ва мусикий тадбирларни биргаликда ташкил этишни назарда тутади.

Иқтисодий соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг муҳим натижаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Бундан ўн йил олдин очкирлик, инклюзивлик ва прагматизмга таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни барпо этишни бошлаган эдик. Утган даврда узоқ муддатли ўсиш учун мустаҳкам асос — кулай ишбилармонлик муҳити, барқарор саноат базаси ва янги инфратузилма яратилди, — деди давлатимиз раҳбари.

Ёш, фаол ва тез ўсиб бораётган аҳоли Ўзбекистоннинг асосий устунликларидан бири бўлиб, тадбиркорлик, технологиялар, сервислар ва саноатни ривожлантиришнинг узоқ муддатли пойдевори эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, эришилаётган ўсиш нафақат жадал, балки барқарор, инклюзив ва инсонлар ҳаёт сифатини оширишга йўналтирилган бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, бозор институтларини тақомиллаштириш, рақобат даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш орқали глобал инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар изчил шакллантирилаётгани билдирилди.

Рақамли савдо ва шаҳар сервисларини тартибга солиш қоидаларини яқинлаштириш, Ўзбекистон ва Россия брендларини ҳамкорликдаги платформаларда илгари суриш, сунъий интеллект асосида махсулотларни ривожлантиришни ўзда қамраб олган қўшма Рақамли экотизимни шакллантиришга киришиш таклиф этилди.

Ўзбекистон дунёнинг ёшлари энг кўп мамлакатларидан бири эканини ҳисобга олиб, вазирамиз таълим, касбий тайёргарлик ва меҳнат бозорини ўзаро боғлашдан иборат бўлган Инсон капиталини ривожлантириш қўшма олайн-платформасини яратиш ташаббуси илгари сурилди.

Хамкорлигимиз маданий-гуманитар йўналишини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Самарқанддан Петербурггача” креатив-туристик йўлга лойиҳасини ишга тушириш ҳам таклиф

Ў.А.

«ПХИФ — 2026» ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПРАГМАТИК ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Шу йилнинг 4-5 июнь кунлари Санкт-Петербург шаҳри жаҳон иқтисодий сиёсати марказига айланди. Бу йилги 29-Петербург халқаро иқтисодий форуми (“ПХИФ — 2026”) кўп кутубли дунё иқтисодиётининг янги қоидалари ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинган муҳим майдон сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат марказида бўлди.

Биз ва жаҳон

Айтиш жоизки, ПХИФ ҳар йили Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган, глобал ва минтақавий иқтисодиётнинг энг муҳим томонлари биргаликда кўриб чиқиладиган йирик бизнес ҳамда сиёсий тадбир ҳисобланади.

Жорий йилги мазкур нуфузли анжуманининг “Прагматик мулоқот — барқарор келажақ сари йўл” шиори остида ўтказилгани бежиз эмас. Бу ҳозирги глобал халқаро муносабатларда тобора кучайиб бораётган муҳим бир тенденцияни ифодалайди, у ҳам бўлса, дунё давлатлари сиёсий зиддият ҳамда қарама-қаршиликлардан кўра реал иқтисодий манфаат ва прагматик ҳамкорликка кўпроқ таянишга ҳаракат қилмоқда. Янги глобал иқтисодий инкирозлар ҳамда геосиёсий ўзгаришлар шароитида ўзаро манфаатли алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш барқарор келажақнинг ягона кафолати бўлиб қолаётди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу форумдаги иштироки ҳамда янги мажлисдаги нутқи халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида қизиқиш билан қутуб олинди. Боиси Ўзбекистон халқаро майдонда минтақавий барқарорлик ҳамда иқтисодий ҳамкорлик ташаббусларини илгари сураётган фаол қатнашчи сифатида эътироф этилган. Коловерса, Президентимиз ташрифи мамлакатимизнинг нафақат Россия билан икки томонлама муносабатларини, балки бутун минтақа ва дунё билан иқтисодий интеграциясини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Жумладан, ПХИФ Ўзбекистоннинг ин-



вестициявий салоҳиятини кенг халқаро аудиторияга намойиш қилиш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш учун катта имкониятдир. Маҳаллий махсулотларимиз учун янги бозорлар топиш ва савдо шартномаларини имзолаш эса форумнинг асосий амалии натижаларидан бири бўлди. Саноатни модернизациялашда энг сўнгги технологик ечимлар ҳамда инновацияларни жалб қилиш бўйича музокаралар учун қулай майдон вазирифасини ҳам ўтади.

Барқарор келажақни куришнинг асосий воситаси

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, форум мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, янги ишончли шериклар топиш ва миллий тараққийот мақсадлари — иқтисодиётни диверсификациялаш, иш ўринлари яратиш ҳамда халқ фаровонлигини ошириш каби устувор вазифалар ижросида ҳам муҳим. Зеро, бугунги дунёда прагматик мулоқот иқтисодий зарурият бўлиши билан бирга барқарор келажақни куришнинг асосий воситаси саналади.

Сўнгги йилларда форумнинг географияси сезиларли даражада кенгайди. Илгари Европа давлатлари ва Фарб компаниялари асосий иштирокчи бўлган бўлса, бугун диққат марказида Осиё,

Яқин Шарқ, Африка ҳамда Латин Америкаси давлатлари ҳам турибди. Бу жараён халқаро иқтисодий муносабатларда юз бераётган чуқур трансформациянинг ифодаси, албатта. Айниқса, БРИКС мамлакатлари ва “Глобал Жануб” деб аталувчи давлатлар гуруҳининг таъсири ортиб бораётгани форум иштирокчилари таркибида ҳам кўзга яққол ташланмоқда.

Эътиборлики, Ўзбекистон ушбу янги шаклланаётган иқтисодий кутублар билан алоқаларни мустаҳкамлашда форумдан самарали фойдаланмоқда. Хусусан, унинг доирасида миллий махсулотларимиз — қишлоқ ҳўжалиги, текстиль, кимё ва машинасозлик товарларини нафақат Россия, балки бошқа хамкор давлатлар бозорларига экспорт қилиш бўйича миллиардлар долларлик шартномалар имзоланди. Форум майдонида жаҳоннинг йирик саноат гигантлари ва инвестиция жағғармалари билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориладиган юртимизда металлургия, тоғ-кон саноати, кимёвий хомашёларни қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат саноати йўналишларида юқори технологик қўшма корхоналар очилишига туртки беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Россия ўртасидаги энергетика ҳамкорлиги мутлақо янги босқичга чиқди. Газ импорти, газ қувурларини модернизациялаш ва кичик атом электр станцияларни курилиши бўйича лойиҳалар ПХИФ доирасида батафсил муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳалар энергетик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Транспорт масаласи эса Ўзбекистон учун ҳаётини зарурат. Денгиз йўллари тўғридан-тўғри қишлоқлардан давлат сифатида биз учун “Шимол-Жануб” халқаро транспорт коридорини ривожлантириш ҳамда юк ташин тарифларини пайсатириш бўйича форумда эришилган келишувлар ташки савдо харажатларини сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилади.

Форумнинг муҳим жиҳатларидан яна бири ижтимоий масалалар билан боғлиқ. Россияда фаолият олиб бораётган

миллионлаб ватандошларимиз ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни ташкилий равишда ишга жалб этиш ва патент тизимини соддалаштириш бўйича икки давлат вазирилари ўртасидаги музокаралар соҳадаги муаммоларга ечим топиш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилди. Шу нуктаи назардан, мамлакатимизнинг ПХИФдаги иштироки прагматик ҳамда иқтисодий хусусиятга эга. Бу даромад сиёсий дебатлардан кўра реал рақам-

ҳамда таъминот занжирларидаги узилтишлар, халқаро савдода миллий валюталарда ҳисоб-китоб қилиш тизимига ўтиш, сунъий интеллектнинг аънаваний иқтисодиёт тармоқларига таъсири, энергетика хавфсизлиги ва давлатларнинг рақамли суверенитети мавзулари бўлди. Аслида бу мавзуларнинг барчаси бири бири билан узвий боғлиқ. Чунки бугунги кунда дунё иқтисодиёти бир вақтинчи ўзида ҳам шиддатли технологик инқи-

лардан фойдаланиш, миллий валюталардаги савдо айланмасини кенгайтириш орқали ташқи молиявий ҳафларни камайтириш, транспорт ва логистика занжирлари узилган вазиятда муқобил йўлаклари шакллантириш учун жуда муҳим. Сўнгги йилларда минтақа мамлакатларининг форумдаги иштироки изчил фаоллашиб бораётгани ҳам айнан шу омил билан изоҳланади. Марказий Осиё учун асосий масала ташқи инвестиция жалб қилиш, янги бозорларга чиқиш ҳамда транспорт-логистика йўлақларини кенгайтиришдир. Эътиборлики, ПХИФ ана шу вазифаларни амалга ошириш учун қулай муҳит яратиб берди.

Марказий Осиё учун алоҳида аҳамиятга эга жиҳатлардан яна бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бизнес форумининг ПХИФ доирасида ўтказилиши билан боғлиқ. Минтақанинг барча давлатлари ШХТ аъзоси ҳисобланади. Шу боис мазкур формат савдо, транспорт, логистика ва инфратузилма лойиҳалари бўйича кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун қўшимча имконият яратди, десак, айни ҳақиқат. Айниқса, минтақа мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграция фаоллашган ҳозирги шароитда бундай платформаларнинг аҳамияти янада ортди бораётди.

Дарвоқе, ПХИФ моҳиятини фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчаш манзарани тўлиқ акс эттирмайди. Бу нуфузли форум мамлакатлар имижини учун ҳам муҳим восита ҳисобланади. Халқаро бизнес ва сармоядорлар учун очик, прогноз ва мийил ҳамда ислохотларга содиқ давлат сифатида намойён бўлиш бугун инвестиция учун курашда ҳал қилувчи омилга айланмоқда. Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги иқтисодий ўзгаришлари ҳамда ташқи сиёсатдаги очкирлик тамойили ана шундай нуфузли майдонда янада яққол намойён бўлди.

Азизат МУХТОРОВ,
ТДИУ Фалсафа кафедраси мудири,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

“ Форум мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, янги ишончли шериклар топиш ва миллий тараққийот мақсадлари — иқтисодиётни диверсификациялаш, иш ўринлари яратиш ҳамда халқ фаровонлигини ошириш каби устувор вазифалар ижросида ҳам муҳим. Зеро, бугунги дунёда прагматик мулоқот иқтисодий зарурият бўлиши билан бирга барқарор келажақни куришнинг асосий воситаси саналади. ”

Халқаро иқтисодий муносабатларда ўзига хос индикатор

Шуни ҳам таъкидлаш керакики, бу йилги форумнинг кун тартиби жаҳон иқтисодиёти олдида турган энг долзарб ва глобал масалаларни қамраб олди. Муҳокамалар марказида глобал бозор

лобни, ҳам глобал геосиёсий кучлар балансининг қайта тақсимланишини бошдан кечирапти.

Хозирги шароитда кўлаб ривожланаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳам, ташқи иқтисодий алоқаларини фақат бир томонга боғлаб қўймасдан, диверсификация қилишга интиломоқда. ПХИФ эса ушбу диверсификация ҳамда муқобил иқтисодий йўлақларни яратиш учун энг қулай майдон. Шу нуктаи назардан ёндашилса, форум нафақат ташкилотчи давлатнинг иқтисодий ташаббуси, балки бутун бошли янги шаклланаётган халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг ўзига хос индикатори сифатида гавдаланмоқда.

